

ОЛИЙ ҲАМШИРАЛИК ИШИ ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРАКТИВ

УСУЛЛАРНИ ҚҰЛЛАШНИ АҲАМИЯТИ.

Убайдуллаева М. 202-гурх, ОХИ факультеты

Илмий раҳбари: асистент З.Р. Саттарова

Жамоат саломатлиги ва соғлиқни саклашни бошқариш кафедраси ТошПТИ

Долзарблиги: Давлатимизда таълим тизимини жаҳон андозаларига мос равишда ривожлантиришга катта эътибор қаратиласпти. Ҳозирги кунда олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш хам алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳар бир ҳамшира ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлиши, ахборот-коммуникация технологияларини юқори савияда билиши, ҳамширалар жамоасига раҳбарлик қила оладиган, илмий изланишлар олиб борадиган олий маълумотли ҳамшираларни тайёрлаш давр талабидир. Ҳамширалик иши йўналиши соҳасининг ривожланиб бориши нафақат кенг соҳалар қаторидан ўрин эгалламоқда, балки кенг кўламда ижтимоий аҳамият касб этмоқда.

Мақсад: Олий маълумотли ҳамшираларни ўқитишида замонавий интерактив усулларни кўллаб, ўкув жараёнини самарадорлигини таъминлаш ҳамда оммавий таълим шароитларида ўқитишининг режалаштирилган натижаларига эришишдир.

Вазифалари: Ҳамшираларда мулоқот қилишни олиб бориши маданиятини шакллантириш. Ҳамширалар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён қилишини ўргатиш. Ҳамшираларни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатиш ва мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмасини ривожлантиришдан иборатдир.

Замонавий интерактив усуллардан бири бу ФСМУ.Технологиянинг мақсади: Мазкур усул иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Ф - фикрингизни баён этинг.

С - фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг.

М - кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг.

У - фикрингизни умумлаштиринг.

Ф - Мен инсонларни хоналарда тамаки чекишига қаршиман.

С- Чунки тамаки тутуни нафақат чекувчи инсонга балки у билан бир хонада бўлганларга салбий таъсири кўрсатади.

М- Илмий изланишлар шуни исботладики пассив чекиши хам ўсма касаллигига сабаб бўлади.

У- Шунинг учун мен инсонларни жамият жойларида чекишига умуман қаршиман.

Хуроса қилиб айтганда замонавий интерактив усуллар ҳамшираларни билимли ва чуқур мулоҳаза юритишига, амалий машғулотларни яхши ўзлаштиришга, амалий кўникмаларни ривожлантиришга, янги ғояларни ишлаб чиқишига, ўз фаолиятида ушбу усуллардан фойдаланиб муаммоларни осон ечишига яқиндан ёрдам беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Шойимова, Шохиста, Суръат Гулямов, and Акмал Рахматуллаев. "Роль и значение национальных медицинских ценностей в сохранении здоровья человека." Актуальные проблемы обучения социально-гуманитарных наук в медицинском образовании 1.1 (2023): 427-436.
2. Хотамов, X. N., У. X. Тилавов, and И. С. Рахматуллаев. "Профилактика осложнений после уретропластики у детей." VolgaMedScience. 2022.
3. Рахманова, Лола Каримовна, Ботир Тургунпулатович Даминов, and Умида Норматовна Каримова. "Хронический гломерулонефрит у детей." (2017).